

УММАТАЛИЕВ Соҳибжон Ҳикматали ўғли
Ўзбекистон халқаро исломишунослик академияси
Исломишунослик ва ислом цивилизациясини
ўрганиш ICESCO кафедраси катта ўқитувчиси
E-mail: sohibjonummataliyev91@mail.com

ИМОМ АБУ ҲАНИФАНИНГ ЎЗ ДАВРИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ МУҲИТИ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ЎРНИ

РОЛЬ ИМАМА АБУ ХАНИФЫ В ОБЕСПЕЧЕНИИ СТАБИЛЬНОСТИ СОЦИАЛЬНО- ПОЛИТИЧЕСКОЙ СРЕДЫ СВОЕГО ВРЕМЕНИ

THE ROLE OF IMAM ABU HANIFA IN ENSURING THE STABILITY OF THE SOCIO- POLITICAL ENVIRONMENT OF HIS TIME

Аннотация. Ушбу мақолада Абу Ҳанифанинг яшаган давридаги ижтимоий-сиёсий муҳит, унинг сиёсий ҳокимиятга бўлган муносабати, адолатни ҳимоя қилишдаги жасорати ва фикрдаги хизматлари ёритилган. У Умавийлар ва Аббосийлар даврида ҳам давлат лавозимларини рад этган ва мустақил позицияда қолган. Хусусан, Абу Ҳанифа умавийлар даврида Язид ибн Умар томонидан муҳрдорлик, аббосийлар даврида халифа Абу Жаъфар томонидан Бағдод шахрига қозилик лавозимларига таклиф қилинган бўлса-да, у таклифларни рад этган. Шунингдек, мақолада Абу Ҳанифа ва ўша даврдаги қозилар билан муносабатидаги ўзига хос жиҳатлар ҳам ёритилган.

Kalit soʻzlar: Abu Hanifa, siyosiy muhit, Umaviylar, Abbosiylar, fikh, adolat, islom, tarix, fiqh, Imom A'zam

Аннотация. В статье рассматривается социально-политическая среда эпохи Абу Ханифы и его позиция по отношению к власти. Освещены его вклад в исламское право, отказ от государственных должностей и поддержка потомков Пророка. Особое внимание уделено его честности, принципиальности и роли в формировании ханафитского мазхаба. В частности, Абу Ханифе предлагал должность печатника Язид ибн Умар в эпоху Омейядов, а также должность судьи в Багдаде халиф Абу Джафар в эпоху Аббасидов, но он отклонил эти предложения. В статье также освещаются особенности взаимоотношений Абу Ханифы с судьями той эпохи.

Ключевые слова: Абу Ханифа, политика, Омейяды, Аббасиды, фикх, справедливость, ислам, религия, мазхаб, Имам Азам

Annotation. This article explores the socio-political environment during Abu Hanifa's lifetime and his stance toward political authority. It highlights his refusal to accept official positions, his respect for the Prophet's descendants, and his major contributions to Islamic jurisprudence. Abu Hanifa's legacy continues through the widespread Hanafi school of thought today. In particular, Abu Hanifa was offered the position of seal by Yazid ibn Umar during the Umayyad era and the position of judge in Baghdad by Caliph Abu Ja'far during the Abbasid era, but he declined the offers. The article also highlights the specific aspects of Abu Hanifa's relationship with the judges of that era.

Keywords: Abu Hanifa, politics, Umayyads, Abbasids, fiqh, justice, Islam, independence, Hanafi, Imam Azam

КИРИШ

VIII-IX асрларда аббосийлар давлатида тафсир, калом, ҳадис, фикх каби бир неча илмлар шаклланди. Бу даврда яшаган олимлар фақат ўз соҳаси доирасидаги илмий фаолият билан чекланиб қолмай, ўша давр ижтимоий-сиёсий жараёнларида ҳам иштирок этган. Имом Аъзам номи билан танилган Абу Ҳанифа Нўмон ибн Собит ибн Зутий ал-Куфий (80-150/699-767) ҳаёти ўрганилганида ҳам ушбу ҳолатни кўриш мумкин. Таникли фақиҳ Абу Ҳанифанинг туғилган йили ҳақида кўпроқ хижрий 80/милодий 699 йил айтилади. Барча манбаларда умавий халифа Абдулмалик ибн Марвон (685-705) даврида дунёга келгани зикр этилган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Абу Ҳанифа Нўмон ибн Собитнинг саҳобалар даврида туғилганига шубҳа йўқ. Кўпгина муҳаддис ва муаррихлар унинг бир неча саҳобалар билан учрашганини қайд қилганлар. У учрашган саҳобалар борасида ҳар хил фикрлар бўлса-да, лекин машҳур саҳобий Анас ибн Молик билан учрашгани ҳақида барча манбалар маълумот беради. Шундай бўлса-да, баъзилар уни тобиий эмас, балки таъба тобиий эканини айтганлар. Бу Абу Ҳанифанинг туғилган санасининг аниқ белгиланмагани билан боғлиқ. Шамсиддин аз-Заҳабий таъба тобиий дейдиганларнинг гапини рад қилиб, тобиий бўлганини исботлашга ҳаракат қилган [1:168].

Абу Ҳанифа устозларининг сонини 4 минг нафарга етади дейилса-да, бироқ, асосий илмни Ҳаммод ибн Абу Сулаймон ал-Кўфий олдида олган. Устозларининг олдида 22 ёшида бориб, 18 йил давомида шогирдликка тушган.

Устози вафотидан сўнг 40 ёшида устози ўрнига фатво бера бошлаган. Унинг устозлари орасида саҳобалар, тобиъинлар ва таъба тобиъинлар бор эди.

Абу Ҳанифа яшаган давр мураккаб сиёсий жараёнларни ўз ичига олган бўлиб, бу даврда умавий ва аббосий сулоласи вакиллари халифаликни идора қилган. Нўъмон ибн Собит (р.х.) ҳар икки сулола даврида ҳам давлат вазифасида ишлашга таклиф этилган, лекин ихлос ва тақвosi сабабли таклиф қилинган вазифаларда ишлашни истамаган. Шунингдек, сулола вакиллари ёки уларнинг вакиллари бўлган волийларнинг улуғ насабли, ҳурматли кишиларга муносабати Абу Ҳанифанинг уларга муносабатини белгилашда муҳим ўринга эга бўлган.

Умавийлар Муҳаммад (с.а.в) авлодларига нисбатан кескин муносабатда бўлгани учун Абу Ҳанифа (р.х.) уларни ёқтирмас эди. Бу ҳолат Абу Ҳанифанинг Зайд ибн Али (695-740) исёнига ҳайрихоҳ бўлганида ҳам кўзга ташланади. Хусайн ибн Али (626-680) авлодидан бўлган Зайд ибн Али 739 йилда умавийлар бошқарувига қарши бош кўтаради. У ўзига ёрдам берилишини сўраб, ўз давридаги машҳур шахсларга мактуб ёзди. Зайд ибн Али Абу Ҳанифадан ҳам ёрдам беришини сўраб хат ёзганида Имом Аъзам Зайд ибн Алини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашини айтиб, ўн минг дирҳам пул жўнатади [4:31]. Албатта бу Имом Аъзамнинг пайғамбар авлодларига бўлган ҳурматини кўрсатади. Абу Ҳанифа айти шу мезон асосида волийлар бошқарувига муносабат кўрсатар эди.

747 йилда Ироқ волийси Язид ибн Умар ибн Ҳубайра фақиҳлардан айримларини давлат ишларига жалб қилган. Уларнинг орасида Ибн Аби Лайло (695-765), Абдуллоҳ ибн Шабрума (ваф. 761), Довуд ибн Абу Ҳинд (ваф. 757) каби олимлар бор эди. Язид ибн Умар Абу Ҳанифа (р.х.) га ҳам элчи жўнатиб, ундан мухрдор вазифасида ишлашини талаб қилди. Лекин Абу Ҳанифа ҳазратлари буни қабул қилмади. Волий унга таклифни қабул қилишни, акс ҳолда рози бўлмагунча калтакланиши мумкинлигини айтиб, таҳдид қилади. Шундай бўлса-да таклифни қабул қилмайди. Одамлар Абу Ҳанифадан волий таклифини қабул қилмаслигининг сабабини сўраганида: “Қандай қилиб унинг таклифини қабул қиламан. У одамларни қатл қилиш ҳақида фармон ёздирди ва мени тасдиқлаб беришимни сўрайди. Шунинг учун бу таклифни қабул қилмайман”, деб

айтган. Ҳар қанча қийинчиликка қарамай Абу Ҳанифа мухрдор бўлишни истамаган. Шундан сўнг Язид ибн уни холи қўяди. Абу Ҳанифа қамокхона хизматчисининг ёрдами билан ҳибсдан қочади ва Маккага жўнаб кетади. Абу Ҳанифа (р.х.) 748-754 йиллар давомида Маккада яшайди ва у ерда ҳадис ва фикҳ илмларини ўрганади. Куфага Абу Жаъфар Мансур (755-775) даврида қайтиб келади [3:357].

Муҳаммад Абу Заҳра (1898-1974) “Абу Ҳанифа унинг ҳаёти ва у яшаган” давр номли китобида Абу Ҳанифанинг Абул-Аббос халифалиги аввалида яъни 749 йилда ҳам Куфада бўлгани ва аббосийлар асосчиси олимларни тўплаб, улардан байъат олгани ҳақидаги маълумотни келтиради. Олимлар ичида Абу Ҳанифа ҳам бўлган ва Абул-Аббос халифалигига байъат қилган. Агар Абу Ҳанифа ўша вақтда Куфада бўлган бўлса, эҳтимол вақтинчага Маккадан келган ва сиёсий низолар ҳали тинчиманганлиги учун яна Маккага қайтиб келган бўлиши мумкин [2:35].

Абу Ҳанифа (р.х.) Набий алайҳиссалом авлодларига қилинган муносабат сабабли умавийлар бошқарувини ёқтирмаган. Шунинг учун аббосийлар бошқарувини қўллаб қувватлаган. У Абу Жаъфар Мансур даврида Куфага қайтиб келган ва дарс халқаларида қатнаша бошлаган. Бироқ Абу Жаъфар Мансур даврида Али ибн Абу Толиб авлодидан бўлган Иброҳим ибн Абдуллоҳ бошчилигида Басрада бўлиб ўтган исёндан кейин Абу Ҳанифа ва аббосий халифа орасидаги муносабат ёмонлашди.

Абу Жаъфар саркардаларидан бўлган Ҳасан ибн Қаҳтаба Абу Ҳанифанинг олдига келиб, ўтмишда қилган ишларидан афсусда эканлигини ва тавба қилмоқчилигини айтди. Ҳасан ибн Қаҳтаба умавийларга қарши жанглarda қатнашган ва ўша вақтда қилган ишларидан афсусда эди. Абу Ҳанифа унга тавба қилиб, сўнг яна аввалгидек мусулмонлар билан бўладиган жанглarga кирмаса тавбаси қабул бўлишини айтди. Ҳасан ибн Қаҳтаба тавба қилди ҳамда аввалгидек ишларни қайтиб қилмасликка аҳд қилди.

Кўп ўтмай Басрада Иброҳим ибн Абдуллоҳ бошчилигида исён бошланди. Абу Жаъфар Мансур исёни бостириш ишини Ҳасан ибн Қаҳтабага буюрди. У Абу Ҳанифанинг олдига бориб, бўлган воқеани сўзлаб берди. Имом Абу Ҳанифа унга: “Агар берган аҳдингда турсанг тавбада собит бўласан, акс ҳолда аввалги ишларинг гуноҳини ҳам қайтариб

олган бўласан”, деди. Шундан сўнг Ҳасан ибн Қаҳтаба халифага исёнга қарши курашга бора олмаслигини айтди. Халифанинг бундан жаҳли чикди ва исён ишини бошқа саркардага топширди. Сўнг халифа хос кишиларидан Ҳасан ибн Қаҳтабага ким таъсир кўрсатганини сўради. Улар саркардани Абу Ҳанифанинг олдига бориб турганини айтдилар [2:38].

Айрим тарихчилар шу воқеадан кейин халифа Абу Ҳанифага садоқатини синаш учун қозиликни таклиф қилганини ва Абу Ҳанифа билан халифа ўртасидаги муносабатлар ёмонлашганини келтирадилар. Лекин Иброҳим ибн Абдуллоҳ исёни 763 йилда бостирилгани ва Абу Ҳанифанинг 767 йилда вафот этгани инobatга олинса, қозилик билан боғлиқ воқеалар кейинроқ юз берганини билиш мумкин.

Абу Ҳанифанинг ўз давридаги қозилар фаолиятига муносабати ҳам унинг муҳолифларини кўпайишига сабаб бўлди. Хусусан, Абу Ҳанифа Куфа қозиларининг берган фатволарида камчилик бўлса, буни эълон қилар эди. Бир куни Куфа қозиси Ибн Аби Лайло Мажнун аёл устидан ҳукм қилди. У аёл бир кишига “сен икки зинокорнинг боласисан”, деб айтган эди. Ибн Аби Лайло аёлга иккита ҳад¹ берилишини эълон қилди. Уларнинг бири кишининг отасини, иккинчиси онасини зинода айблагани учун бериладиган бўлди. Ҳад масжидда аёлни турғизиб қўйиб амалга оширилди. Бу хабар Абу Ҳанифага етиб борганида у Ибн Аби Лайло томонидан бир неча хатоларга йўл қўйилганини айтди. Улар куйидагилар:

Ҳад масжидда амалга оширилибди. Ҳадлар масжидда амалга оширилмаслиги керак;

Жазо бериш вақтида аёл турғизиб қўйилибди. Одатда аёлларга ҳадлар ўтиргизиб амалга оширилади;

Кишининг отаси ва онасини ҳақорати учун иккита ҳад урилибди. Агар бир киши кўпчилик кишилик жамоатни ҳақорат қилса ҳам битта ҳад урилади;

Иккита ҳад бир вақтда урилибди. Улар бир вақтда урилмаслиги керак эди;

Мажнун кишига ҳад жорий қилинмаслиги керак эди [2:43];

Шундан сўнг баъзи қозилар Абу Ҳанифа устидан халифага шикоят қилдилар. Халифа Абу Жаъфар қозиларнинг барча масалаларини назорат қилиши учун Абу Ҳанифага бош қозилик мансабини таклиф қилди. Лекин Абу Ҳанифа бу таклифни рад этди. Унинг айнаи шу

эътирози халифа томонидан жазоланишига сабаб бўлди. Абу Ҳанифа (р.х.) бир қанча муддат зиндонга ташланиб, азобланди. Сўнг, фақат фатво бериш ҳукуқи билан зиндондан озод этилди. Аммо, у келган масалаларга фатво бермай қўйди. Шундан сўнг, яна зиндонга ташланди. Кейинчалик зиндондан чиқарилди ва уй қамоғига ҳукм қилинди. Унинг олдига одамлар келиши ва фатво бериши ман қилиб қўйилди. Энг ишончли ривоятларга кўра Абу Ҳанифанинг ҳаёти то умрининг охиригача шу ҳолатда давом этган ва у 767 йилда Бағдодда вафот этган [3:364].

Абу Ҳанифани Хайзарон деган жойга дафн қиладилар. Жаноза намозида қатнашганларнинг сони эллик мингдан зиёд бўлганлиги айtilган. Абу Ҳанифанинг вафоти ҳақида хабар топган халифа унинг нақадар буюк дин ва тақво соҳиби эканлигига иқдор бўлиб: “Сизнинг ҳаётингиз ва ўлимингиз учун энди мени ким маъзур тутасиз”, деб надомат чекади [3:366].

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, Абу Ҳанифа ўзи яшаган даврда илм маърифатга беназир ҳисса қўшган. Унинг илмий салоҳияти борасида давлат раҳбарлари ҳам маълумотга эга бўлган. Шунинг учун улар Абу Ҳанифага турли лавозимларни таклиф қилганлар. Лекин у хато қилишдан қўрққани ва парҳезкорлиги сабабли таклиф қилинган мансабларда ишлашдан бош тортган. Абу Ҳанифанинг фикх (ислом ҳуқуқшунослиги) даги тутган йўли кейинги даврларда шогирдлари томонидан ривожлантирилди ва Ҳанафий мазҳаби деб номланди. Бугунги кунда дунё мусулмонларининг аксар қисми Ҳанафий мазҳабига кўра диний амалларни адо қилади.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Шамсиддин Заҳабий. Тазкиратул хуффо. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1958.
2. Муҳаммад Абу Заҳра. Абу Ҳанифа ҳаятуху ва асруху. – Қоҳира: Дор ал-фикр, 1991.
3. Ваҳбий Сулаймон Ғовужий. Абу Ҳанифа Нуъмон. – Дамашк: Дор ал-қалам, 1993.
4. Абул-Фараж Исфажоний. Муқотилут-толибин. – Байрут: Муассаса ал-илмий, 2006.
5. Абдулқодир Қураший. Жаваҳир ал-музия. – Гиза: Дор Ҳажар, 2007.
6. Хатиб ал-Бағдодий. Тариху Бағдод. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2004.
7. Умматалиев С. Ислом тарихидан олтин саҳифалар – Умавийлар даври. – Тошкент: Ўқитувчи, 2021.

¹ Ҳад – ислом ҳуқуқида жазолаш маъносини англатади. Одатда ҳад жорий қилинганда жиноятчи калтакланади.